

2022 йил 25-июл

## “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг инновацион маҳсулотлари кўрғазмаси бошланди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарорига мувофиқ илмий тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг май-октябрь ойлари давомида Инновацион ривожланиш вазирлигида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳанинг илмий ишланма ва инновацион маҳсулотлари кўрғазмасини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу режага асосан Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида ташкиллаштирилаётган “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг инновацион маҳсулотлари кўрғазмаси бошланди.

O'zbekiston Respublikasi  
Innovatsion rivojlanish vazirligi

"O'ZKIMYOSANOAT"  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING ILMIY IZLANMA  
VA INNOVATSION MAHSULOTLARI KO'RSATMASI

25-27 IYUL





***Кўрғазма 2022 йилнинг 27 июль кунига қадар давом этади.***

Мазкур кўрғазмада «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналари томонидан сўнгги 5 йилда инновацион лойиҳалар доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари намойиши, илмий ёндашувни талаб этадиган лойиҳалар, корхоналар ва уларнинг инновацион фаолияти юзасидан тақдимотлар ўтказилмоқда.







**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**

**source:**

*"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти*

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/innovatsion-rivojlanish-vazirligi-binosida-tashkillashtiril-ayotgan-uzkimyosanoat-aj-tarmoq-korxonalarining-innovatsion-mahsulotlari-kurgazmasi-boshlandi>